

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



# GUVOHNOMA

## Yuridik shaxs

### "O'ZDONMAHSULOT" AKSIYADORLIK KOMPANIYASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirdorlik subyektining to'liq nomi

### "O'ZDONMAHSULOT" AKSIYADORLIK KOMPANIYASI" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

**201 051 421**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

**05.03.2015**

Sana

**1991608**

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**AKSIYADORLIK JAMIYATI**

Faoliyat yuritadigan manzil:

**TOSHKENT SHAHRI, SHAYXONTOHUR TUMANI, URDA MFIY, ABAJ KUCHASI, 6-UYI**

Tomonidan berilgan:

**SHAYXONTOHUR TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

**1746582**





O'zbekiston Respublikasi

Adliya vazirligi

1

## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)

201 051 421

Nomi

"O'ZDONMAHSULOT" AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

Tashkiliy-huquqiy shakli

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)

Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Urda MФЙ,

Abay kучаси, 6-ўй

### O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)

201 051 421

Nomi

"O'ZDONMAHSULOT" AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

Tashkiliy-huquqiy shakli

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)

Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Urda MФЙ,

Abay kучаси, 6-ўй

01.02.2024

2373647

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1746581





O'zbekiston Respublikasi

Adliya vazirligi

## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya to`g`risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 647805063

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

647 805 063 000 so'm



01.02.2024

Guvohnoma olinigan sana

2373647

Ariza raqami

1746581





O'zbekiston Respublikasi

Adliya vazirligi

## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to`g`risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 581390658000

Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

581 390 658 000 000 so'm



01.02.2024

2373647

Guvohnoma olinigan sana

Ariza raqami

1746581



«O'ZDONMAHSULOT» АК  
Ягона акциядорининг 2024 йил  
“26” январдаги 13/09-2qr-сонли  
қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«O'ZDONMAHSULOT»  
Aksiyadorlik kompaniyasi

У С Т А В И  
(янги таҳрири)

Тошкент шаҳри - 2023 йил

## МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
2. КОМПАНИЯНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ), ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ, ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖАВОБГАРЛИГИ .....	3
3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ). ҚЎШИМЧА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ .....	4
4. УСТАВ ФОНДИ .....	5
5. АКЦИЯЛАР .....	5
6. АКЦИЯДОРИНИНГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	7
7. ДАРОМАДИ (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ .....	8
8. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАР .....	9
9. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ВА ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ .....	9
10. АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ .....	10
11. КУЗАТУВ КЕНГАШИ .....	12
12. БОШҚАРУВ .....	16
13. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ .....	19
14. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ .....	19
15. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ .....	19
16. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ .....	20
17. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ .....	20
18. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	21

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳтирида) Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли йифилиш баёни билан тасдиқланган «Корпоратив бошқарув кодекси»га мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Кейинги ўринларда «Компания» деб аталадиган «O'ZDONMAHSULOT» Aksiyadorlik Kompaniyasi Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3366-сон Фармони, Вазирлар Махқамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сон қарорига асосан «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини қайта ташкил этиш йули билан ташкил қилинган.

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йил 14 сентябрда 1176-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Компания «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясининг тўлиқ хуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда барча хуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## **2. КОМПАНИЯНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ), ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ, ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖАВОБГАРЛИГИ**

2.1. Компаниянинг давлат тили ва лотин алифбосидаги тўлиқ (фирма) номи:- «O'ZDONMAHSULOT» Aksiyadorlik kompaniyasi, қисқартирилган номи:- «O'ZDONMAHSULOT» АК.

- давлат тили ва кирил алифбосидаги тўлиқ номи: - «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» Акциядорлик компанияси, қисқартирилган номи - «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» АК.

- рус тилидаги тўлиқ номи: - Акционерная компания «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» қисқартирилган номи – АК «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ».

Компания ўз фирмасининг номидан мутлақ фойдаланиш хуқуқига эгадир.

2.2. Компаниянинг жойлашган жойи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 6-йй.

Электрон почта манзили: [info@uzdon.uz](mailto:info@uzdon.uz)

Компания ўзининг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш орқали билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2.3. Компания чекланмаган муддатга ташкил қилинган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлди.

2.4. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.5. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим.

2.6. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.7. Компания белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб ва рақлари очишга ҳақлидир.

2.8. Компания амалдаги қонунчиликга мувофиқ бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиш хуқуқига эга.

2.9. Компания таркибига 35 та корхона киради.

2.10. Компания қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турлари билан шуғулланиш, бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, филиаллар тузиш ва ваколатхоналар очишга, уюшма ва ассоциацияларга киришга ҳақлидир.

2.11. Компания асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш, рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш, асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав фондида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиши тақиқланади.

2.12. Компаниянинг мулкни бегоналаштириш, уни сотиши шакли ва механизми, Компания устав фондига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда Компания Кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади.

2.13. Компанияяга учинчи шахслар томонидан инвестициялар киритиш ёки унинг хўжалик жамиятлари устав фондида иштирок этиши, ягона таъсисчи бўлган корхоналарни қайта ташкил этиш бўйича келишувларни ҳамда йирик кўчмас мулк обьектларини сотиши масалалари Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

2.14. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядор Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **3. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ)**

3.1. Компания қўйидаги мақсадларда тузилган:

илмий асосланган ягона инвестиция сиёсатини юритиш, инвестицион дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш;

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларни жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

Компания таркибига кирувчи корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш.

3.2. Компания фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун дон ва уруғлик харид қилиш, жойлаштириш ва сақлашни таъминлаш;

юқори сифатли ун навлари, ёрма, омихта ем, шунингдек нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва республика ахолисини улар билан таъминлашни ташкил этиш;

дон маҳсулотлари тармоқ корхоналарининг дон етиштирувчилар-ширкат ва фермер хўжаликлари билан ўзаро муносабатлари механизmlарини, шу жумладан донни қабул қилиш, сифатини баҳолаш ва ҳисобга олиш масалаларини такомиллаштириш, дон сифатини таъсирчан назорат қилиш ва уни холисона баҳолаш тизимини яратиш;

тармоқ корхоналарини замонавийлаштириш ва илғор техника билан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга кўмаклашиш;

тармоқ корхоналари ва ташкилотларига ахборот хизматлари кўрсатиш, методик йўриқномалар ишлаб чиқиши, кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

Компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари билан биргаликда раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига кўйишида иштирок этиш.

қонунчиликда таъкидланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

3.3. Maxsus рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

#### 4. УСТАВ ФОНДИ

4.1. Компаниянинг Устав фонди, акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ҳамда Компаниянинг Устав фонди, Компания мол-мулкининг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

4.2. Компания Устав фонди **581 390 658 000** (беш юз саксон бир миллиард уч юз тўқсон миллион олти юз эллик саккиз минг) сўмни ташкил қиласиди ҳамда номинал қиймати **1 000** (бир минг) сўм бўлган **581 390 658** (беш юз саксон бир миллион уч юз тўқсон минг олти юз эллик саккиз) дона оддий акцияларга (жойлаштирилган) бўлинган.

4.3. Компаниянинг Устав фонди:

қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;

акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қиласидан ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.4. Компаниянинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар Компания акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.5. Компаниянинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Компаниянинг ўз капитали ва хисобланган дивидендлар хисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.6. Компаниянинг Устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Компания Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Компаниянинг Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг Умумий йиғилиши Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

#### 5. АКЦИЯЛАР

5.1. Компания томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар қўйидагилардан иборат:

Компаниянинг акциялари номинал қиймати **1 000** (бир минг) сўмдан **581 390 658 000** (беш юз саксон бир миллиард уч юз тўқсон миллион олти юз эллик саккиз минг) сўмлик **581 390 658** (беш юз саксон бир миллион уч юз тўқсон минг олти юз эллик саккиз) дона оддий акциялардан ташкил топади.

5.2. Компания қўшимча равишда номинал қиймати **1 000** (бир минг) сўм бўлган **363 080 847** (уч юз олтмиш уч миллион саксон минг саккиз юз қирқ етти) дона оддий акцияларни (эълон қилинган акциялар) жойлаштириш хукуқига эгадир.

Ушбу эълон қилинадиган оддий акциялар келгусида ёпиқ обуна орқали компания ягона акциядорига жойлаштирилади.

5.3. Компания томонидан акциялар чиқарилиши (янги чиқарилиши, қўшимча чиқарилиши) ва жойлаштирилиши акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

5.4. Қўшимча акциялар эълон қилинган мазкур Уставда белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин. Қўшимча акцияларни чиқариш

фақат Компаниянинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Компаниянинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан купайтириш тўғрисидаги қарорида (қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор) жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланади.

5.5. Компания томонидан акцияларни жойлаштириш акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин акциялар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5.6. Компания ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли.

Компания ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун хужжатларида ва мазкур Уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Қонунчиликда белгиланган тартибда Компания акциялари очик обуна йўли билан жойлаштириш бошланишига камида **икки ҳафта** қолганида, қуидаги ахборотлар ошкор этилади:

акциялар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни;

Компаниянинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк реквизитлари, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, давлат статистикаси ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;

фаолиятнинг асосий йўналишлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) турлари;

мустақил рейтинг баҳоси, агар унинг шундай баҳоси бўлса, тегишли изоҳлари билан;

акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ акцияларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари.

Ушбу ахборотни:

агар Компаниянинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, мажбурий равища ошкор қилиш фақат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади;

агар Компаниянинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилмаган бўлса, мажбурий равища ошкор қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.

5.8. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

5.9. Акциялар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар умумий миқдорининг камида **ўттиз фоизини** ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

5.10. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қимматли қоғозлар савдоши ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

5.11. Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.12. Компаниянинг Устав фонди кўпайтирилаётганда қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивиденdlар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Компания акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.13. Компаниянинг акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулқ, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳукуқлар (шу жумладан мулкий ҳукуқлар) орқали амалга оширилади. Компаниянинг қўшимча акцияларга ҳақ тўлаши уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.14. Агар Компаниянинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланадиган акцияларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг **икки юз** бараваридан кўпни ташкил этса, Компания акцияларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланиши зарур.

5.15. Компаниянинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

5.16. Компания томонидан Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан **бир йилдан** ошмаслиги керак.

Компаниянинг жойлаштирилмаган акциялари ушбу бандининг кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

5.17. Компания рўйхатдан ўтказилган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган акцияларни жойлаштириш муддати ўтган кундан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда**, агар барча акциялар ушбу муддат ўтишидан олдин жойлаштирилган бўлса - ушбу чиқарышдаги сўнгги акцияни жойлаштириш кунидан кейин **қонунчиликда белгиланган муддатда** рўйхатдан ўтказувчи органга акцияларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

## 6. АКЦИЯДОРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Компания акциядорининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- депо ҳисобварагидан ўзига таалгуқли кўчирма олиш;
- Компания фойдасининг тегишли қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг Умумий йигилишларида овоз бериш орқали Компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- белгиланган тартибда Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Компания акциядорининг мажбуриятлари:

- Компанияга зарар етказилиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- имкон қадар Компания бошқа органлари томонидан қарорлар қабул қилинишини чеклайдиган ёхуд тўёқинлик қиласидиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслик; (акциядорнинг қонунчилик билан назарда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш бундан мустасно);
- қонунчилик, мазкур Устав ва акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар билан назарда тутилган муддат, тартиб ва усулларда акцияларни ўрнига акциялар қийматини тўлаш;
- Компания ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни сақлаш;
- қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Компаниянинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

## **7. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Солиқлар ва мажбурий тўловлар амалга оширилганидан сўнг Компания тасарруфида қолган даромад (фойда)ни тақсимлаш, Компания Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

7.2. Дивиденд Компания соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

7.3. Компания акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Компания молиявий **йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз оий** натижаларига кўра ва (ёки) **молиявий йил** натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Компания молиявий **йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз оий** натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин **уч ой** ичida қабул қилиниши мумкин.

7.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Компания Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек мазкур Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.8. Дивидендлар Компания тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан **олтмиш** кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра Компания ихтиёрида қолади.

7.11. Компания Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга хисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк хисобварағига ўtkазиб бериши шарт.

Компания акциядорларининг реестридан олинган, Компания томонидан тасдиқланган қўчирма ҳамда Компания бухгалтериясининг хисобланган дивидендлар суммаси ва улар хисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7.12. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.13. Дивидендлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Компаниянинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда пеня хисобланади.

Компания томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибida талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш Компания томонидан рад этилган тақдирда, Компанияга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

#### 7.14. Компания:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Компанияда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Компанияда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Компания соғ активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Компания ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.15. Компания дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Компания тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Компаниянинг расмий веб-сайтларида қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

7.16. Компания фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келган заарларни тўлаш (қоплаш) Захира фонди ҳисобига амалга оширилади. Заарларни тўлаш (қоплаш) учун захира фонди маблағлари етишмаган тақдирда, заарлар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида Компаниянинг қонунчилик билан йўл қўйиладиган бошқа маблағлари ҳисобига тўланиши (қопланиши) мумкин.

Компаниянинг ҳар йилги ҳомийлик учун ҳаражатлари ўтган йилда олинган соғ фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Юқоридаги ҳомийлик кўрсатиш ўтган йил учун тасдиқланган бизнес-режада кўзда тутилган соғ фойда олинган бўлса амалга оширилади.

### 8. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАР

8.1. Компания Устав фондининг **15 (үн беш) фоизи** миқдорида Захира фонди ташкил этилади. Компаниянинг захира фонди Компаниянинг устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соғ фойдадан камида **5 (беш) фоиз** миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг захира фонди Компаниянинг заарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Компаниянинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Компаниянинг захира фонди қисман сарфланиб бўлган холларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.4. Компания бошқа мақсадли фондларни ташкил этишга ҳақли. Фондларнинг мақсади, миқдори, ташкил қилиш манбалари ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

### 9. КОМПАНИЯНИ БОШҚАРИШВА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

9.1. Компанияни бошқариш қонунчилик, мазкур Устав ҳамда Компаниянинг ички хужжатларига мувофик амалга оширилади.

9.2. Компанияни бошқариш акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгashi ҳамда Бошқарув томонидан амалга оширилади.

**Акциядорларнинг Умумий йиғилиши** - Компания бошқарувининг олий органи.

**Кузатув кенгashi** - Компания фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширувчи Компаниянинг бошқарув органи, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

**Бошқарув** - Компаниянинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиал ижро органи, акциядорлар Умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгашининг ваколатлариға киритилган масалалар бундан мустасно.

9.3. Компаниянинг **Ички аудит хизмати** Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатлариға, Компания уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомиллариға риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компания Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

9.4. Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва унга хulosаларни беришни шартнома асосида Компаниянинг ваколатли органи томонидан белгиланган **аудиторлик ташкилоти** томонидан амалга оширилади.

## 10. АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш;

- Компанияни қайта ташкил этиш;

- Компанияни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Компания Кузатув кенгашининг сони ва аъзолари таркибини белгилаш, уларнинг сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

- Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш;

- Компаниянинг Устав фондини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ёки унга ўзгартириш киритиш (ушбу масалаларни Компания Кузатув кенгashi томонидан маъқуллангандан сўнг кўриб чиқилади);

- Компания акциядорларнинг Умумий йиғилиши тўғрисидаги, Кузатув кенгashi ва Бошқаруви тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Компаниянинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тасдиқлаш;

- Компаниянинг йиллик ҳисботини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ҳамда Компания Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботларини тасдиқлаш;

- Компаниянинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

- мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматлариға тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компания Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания Кузатув кенгашининг ҳисботларининг хulosаларини эшлиш;

- акциядорлар Умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Конунда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- акциялар чиқариш тұғрисидаги қарорни тасдиқлаш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- Конунда назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан битимлар тузиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- Компания Башқарув Раиси ва Башқарув аъзоларини сыйлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши;
- Компаниянинг Башқарув Раиси ва Башқарув аъзоларига тұланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг эңг юқори миқдорларини белгилаш ёки уларга үзгартыриш киритиш (ушбу масалаларни Компания Кузатув кенгаши томонидан маъқулланғандан сұнг күриб чиқилади);
- Башқарув Раисини ва Башқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш, уларни қайта тузиш ёки уларни бекор қилиш мүмкінлиги тұғрисида қарор қабул қилиш;
- Компаниянинг жорий хұжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;
- ҳомиийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам күрсатиши (олиши) доирасини белгилаш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.3. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Башқаруви ҳал қилиши учун берилиши мүмкін эмас.

10.4. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мүмкін эмас.

10.5. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари Конунда ва мазкур уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда **үттиз қундан** кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.6. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш үтказилган Умумий йиғилишида ўқиб әшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тұғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали **қонунчиликда белгиланған муддатда** акциядорлар эътиборига етказилади.

10.7. Акциядорлар Умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, қонунчилик ва Компаниянинг Акциядорлар Умумий йиғилиши тұғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

10.8. Агар Компаниянинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса, қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг Умумий йиғилиши үтказилмайди.

Мазкур Устав ва қонунчилик билан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар Компания акциядори (акциядорнинг вакили) томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Бунда қонунчилик билан белгиланған акциядорлар Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва үтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини үтказиш муддатларига таалукли қоидалар бундан мустасно. Компания акциядори томонидан ёзма қарор қабул қилиш учун акциядорлар Умумий йиғилиши чақирилиши талаб қилинмайди. Компания якка акциядорининг қарори ушбу акциядор (акциядорнинг вакили) томонидан мустақил равища, Компания Кузатув кенгашининг ва (ёки) Башқарувининг ёзма мурожаати асосида қабул қилиниши мүмкін. Агар қабул қилиниши лозим бўлган қарор бўйича қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ Компания Кузатув кенгашининг тавсияси ёки Кузатув кенгаш томонидан дастлабки тарзда маъқулланниши лозим бўлса, бундай қарорлар Компания акциядори (акциядорнинг вакили) томонидан шундай тавсиялар олинганидан сұнг ёки дастлабки тарзда маъқулланғанидан сұнг қабул қилинади.

10.9. Умумий йиғилиш Компания акциядори (акциядорнинг вакили) томонидан, ҳар йили, қоида тариқасида, **июнь ойида** үтказилади. Компания Кузатув кенгаши сыйлаш тұғрисида, Башқарув Раисини ва Башқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини

узайтириш, уларни қайта тузиш ёки уларни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида масалалар, шунингдек Компания йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

## 11. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Компаниянинг Кузатув кенгаси Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Конун ва мазкур Устави билан акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Компания Кузатув кенгаси ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Кузатув кенгаси тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

11.3. Компания Кузатув кенгаси аъзоларининг сони **7 (етти)** кишидан иборат шундан 2 нафар мустақил аъзо.

Компания Кузатув кенгашининг аъзолари Конунда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан **уч йил** муддатга сайланади.

11.4. Компаниянинг Кузатув кенгаси таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Компания Бошқаруви аъзолари, унинг шўъба ва тебе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Компаниянинг Кузатув кенгасига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Компаниянинг Кузатув кенгаси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Компаниянинг Кузатув кенгаси таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб кўйилиши мумкин.

Компаниянинг Кузатув кенгаси аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг Кузатув кенгасига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаси аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

Компания Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаси аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан, ушбу кенгаш таркиbidan Кузатув кенгаси аъзолари томонидан сайланади.

Компаниянинг Кузатув кенгаси ўз Раисини Кузатув кенгаси аъзоларининг умумий сонига нисбатан **кўпчилик** овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

11.5. Компания Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар Компаниянинг Кузатув кенгаси томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар Умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади. Бунда акциядорлар томонидан ҳам танлов асосида ёки “headhunter” компаниялар орқали танлаб олинган номзодлар мустақил аъзолик учун Компания Кузатув кенгаси мухокамасига киритилиши мумкин.

Қуйидагилар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги **уч йил** ичida Компанияда ва (ёки) Компаниянинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

Компания овоз берувчи акцияларининг **беш ёки ундан ортиқ фоизига** эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

Компаниянинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки минг бараваридан** кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч **йил** ичida жамиятга ва (ёки) Компаниянинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет **олти йил** давомида Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

Компания ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

Компаниянинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч **йил** ичida уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, aka-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, aka-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

Компаниянинг мазкур Уставида ёки акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган хужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қиласди.

Компания Кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Компания Кузатув кенгаши мустақил аъзосининг мазкур бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у Компанияни ва Кузатув кенгашини бу хақда **икки иш куни** ичida хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда мазкур бандида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Компания Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда белгиланган тенг хуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

11.6. Компания Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши қўрашиш ва этика қўмиталарини ташкил этилади.

11.7. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратадибрлар тўғрисида Компания Бошқарувнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда фаолиятнинг устувор ўйналишларини белгилаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига (қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага) ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компания ўзи жойлаштирган акцияларни уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиши мақсадида қарор қабул қилиш;

- корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, бундан Конун **65-моддасининг ўн биринчи қисмида** назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Умумий йиғилиш ўтказиш учун Компания акциядорларининг реестри шакллантириледиган санани белгилаш;

- Компания Уставига ўзгаририш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
  - мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
  - йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
  - Кузатув кенгашининг қўмиталарини ташкил этиш, ва уларнинг раис ва аъзоларини тайинлаш;
  - Компания “мувофиқлик тизими” (комплаенс) хизматини ташкил этиш;
  - Компания Кузатув кенгашининг қўмиталари ва Компания “мувофиқлик тизими” (комплаенс) хизмати ҳақидаги низомларини тасдиқлаш;
  - ички аудит хизматини ташкил этиш, ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек **ҳар чоракда** унинг ҳисбботларини эшитиб бориш;
  - аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг қўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат максадларида фойдаланиши мумкин;
  - дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
  - акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;
  - Компаниянинг Захира фондидан ва бошқа фонларидан фойдаланиш;
  - Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
  - Компаниянинг шўъба ва тобе хўжалик Компанияларини ташкил этиш;
  - Қонуннинг **8 ва 9-бобларида** назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
  - Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
  - Компания акциядор (иштирокчи) ҳисбланган, корхоналар бошқарув органларида Компания номидан унинг вакилларининг овоз бериш тартибини белгилаш;
  - Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ёки унга ўзгаририш киритиш бўйича масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, маъқуллаш ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши кўриб чиқишига киритиш;
  - Компаниянинг Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ёки уларга ўзгаририш киритиш бўйича масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, маъқуллаш ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши кўриб чиқишига киритиш;
  - қонун хужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳамда Бошқарув томонидан Кузатув кенгаши муҳоқамасига киритилган масалаларни ҳал этиш;
  - Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин;
  - Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.
- 11.8. Компания Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг Умумий йиғилишида раислик қиласи.
- Компания Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини шу кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.
- 11.9. Компания Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг, шунингдек

Компания овоз берувчи акцияларининг камида **беш** фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақирилади.

Компания Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан **ҳар чоракда камида бир марта** чақирилади. Заруратга кўра Компания Кузатув кенгашининг мажлислари **чоракда бир мартадан қўпроқ** ўтказилиши мумкин.

Компания Ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши таркибида аудит қўмитасини (ташкил этилган тақдирда), Бошқарувнинг ҳисоботини **ҳар чоракда камида бир марта** Кузатув кенгашининг мажлисларида, шу жумладан, видеоконференцалоқа тизими орқали ва электрон овоз (eVOTE) бериш йўли билан ўтказиладиган мажлисларда эшитиш амалга оширилади.

Янги бир йил муддатга сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоларидан бири томонидан мажлис чақирилиши тўғрисидаги бошқа Кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилиш орқали чақирилади. Кузатув кенгашининг ушбу мажлисида Компания Кузатув кенгаши Раисини сайлаш масаласи кўриши шарт.

Мазкур бандининг **биринчи хатбошида** белгиланган шахс томонидан Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги ёзма талаб келиб тушган тақдирда, Кузатув кенгашининг Раиси келиб тушган талабни кўриб чиқишига мажбур. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган ҳамда мажлис чақирилишини талаб килаётган шахснинг электрон манзили бўлиши керак.

Талаб тақдим этилган санадан эътиборан **ўн кун** ичida Компания Кузатув кенгашининг Раиси мажлисни чақириш тўғрисида ёки мажлисни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда талабда кўрсатилган масала (лар)ни кўриб чиқиши бўйича Кузатув кенгаши Раиси томонидан тегишли талаб олинганидан бошлаб **ўттиз иш кунидан** кечиктирмай Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилиши керак. Компания Кузатув кенгаши Раиси томонидан мажлиси чақириш ёки бундай мажлисни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори мажлис чақиришни талаб қилган шахсга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан **уч иш** кунидан кечиктирмай электрон манзил орқали юборилади.

11.10. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум аниқланади. Бунда кенгашга сайланган аъзоларнинг камида **етмиш беш** фоизи иштирок этганида кворум мавжуд ҳисобланади. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг **етмиш беш** фоизидан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишига, шунингдек Компания Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.11. Компаниянинг Кузатув кенгаши мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда ваколатли бўлади. Кузатув кенгаши мажлисини кенгаш Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, кенгаш аъзоларидан бири очади, мажлис кун тартибини эълон қиласи ва олиб боради. Йиғилиш кун тартиби масаласи бўйича Кузатув кенгаши Раиси, Кузатув кенгаши аъзоси ёки кун тартиби масаласи бўйузга билан таклиф этилган шахс чиқиши тингланади.

Чиқишиларнинг натижаларига кўра кун тартибидаги масала муҳокама қилинади. Овозга қўйилган масала бўйича лозим бўлса савол берилади ва овоз берилади. Кузатув кенгаши Раиси, у бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири овозга қўйиш натижаларини ва қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттиради. Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилиши натижасига кўра, кўрсатилган шахс йиғилишни ёпиқ деб эълон қиласи.

11.12. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш тартибини белгиловчи Конун ва мазкур Уставда, ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг **ҳар бир аъзоси битта овозга** эга бўлади. Компания Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Компания

Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Компания Кузатув кенгаши Раиси ҳал қилувчи овози хукуқи эга.

Компания Кузатув кенгашининг қарорлари барча аъзолари томонидан сиртдан овоз бериш (сўров) йўли билан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.13. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **ўн кундан** кечиктирмай тузилади.

Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади: мажлис ўтказилган сана, вақти, жойи, иштирок этган шахслар, мажлиснинг кун тартиби, овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, қабул қилинган қарорлар.

Компания Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган аъзолар томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.14. Компания Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Бошқарувга ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг Умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Компаниянинг Бошқарувига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.15. Акциядорлар Умумий йигилишининг қарорига кўра Компания Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг Умумий йигилиши қарорида белгиланади.

11.16. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Компания олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

Компания ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Компанияга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзосини мулкий зарар етказганлиқда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, **бир йилдан** кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси Компанияга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

## 12. БОШҚАРУВ

12.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи Компания **Бошқарув** томонидан амалга оширилади.

12.2. Компания Бошқарув ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йигилиши қарори билан тасдиқланган Бошқарув тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

12.3. Компания Бошқарув аъзоларининг сони **3** (уч) кишидан иборат. Бошқарув раҳбари Бошқарув Раиси ҳисобланади.

Бошқарув таркибига Раис ҳамда Компаниянинг асосий тузилмавий хизматлари ва бўлинмаларнинг раҳбарлари кириши мумкин.

12.4. Бошқарув аъзоларини (шу жумладан Бошқарув Раиси ва ўринbosарини) тайинлаш, қоида тариқасида, танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Бошқарув аъзоларини (шу жумладан Бошқарув Раисини) тайинлаш учун танлов ўтказиш тартиби Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Компания Бошқарув аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Компания Бошқарув Раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Бошқаруви Раиси бўлиши мумкин эмас.

12.5. Компаниянинг Бошқарув аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонун хужжатларида, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Компания билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома Компания номидан Компания Кузатув кенгашининг Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Компания Бошқарувининг Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётгандиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгаши олдида берадиган хисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Компаниянинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ микдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

12.6. Компаниянинг Бошқарув Раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан бир вақтда эгаллаб туришга фақат Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Компания Бошқарувининг ваколатига кундалик фаолиятга раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг ва Компания Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

Компания акциядорлари Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш;

Компания фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги тавсияни тайёрлаш учун Кузатув кенгашига таклифни киритиш;

Бошқарув Раиси томонидан киритилган масалаларни ҳал этиш;  
қонунчилик ва мазкур Устави мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.8. Компания Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ташкил этади.

У Компания номидан барча хужжатларни ҳамда Компания бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Компаниянинг Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Компания номидан ишончномасиз иш юритади.

Компания Бошқарув мажлислари унинг Раиси томонидан **хар чоракда** камида **бир марта** Бошқарувининг бошқа аъзоларига хабар бериш йули билан чақирилади. Заруриятга кўра Компания Бошқарувининг мажлислари **чоракда бир мартадан** кўпроқ ўтказилиши мумкин.

Компания Бошқарув мажлисини ўтказиш учун Бошқарув аъзолигига сайланган аъзоларнинг камида **олтмиш** фоизи иштирок этганида кворум хисобланади.

Бошқарувининг мажлисида қарорлар агар қонун хужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади.

Компания Бошқаруви мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси **битга** овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди. Бошқарув аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Бошқарувнинг қарорини қабул қилишда Компания Бошқаруви Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Компания Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **уч кундан** кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади: мажлис ўтказилган санаси, вақти, жойи, иштирок этган шахслар, мажлиснинг кун тартиби, овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, қабул қилинган қарорлар.

Бошқарув мажлисининг баённомаси Бошқарув Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Компания Бошқарув мажлисининг баённомасидан кўчирмаси ҳам Компания Бошқарув Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

#### 12.9. Компания Бошқаруви Раиси ваколатига қуидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;
- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
- Компания номидан битимлар тузиш;
- Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- штатларни тасдиқлаш ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш, Компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш:
- ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Компания номидан хужжатларни имзолаш;
- Компания номидан харакат қилиш учун ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа рақамлар очиш;
- ўринбосарлар орасида вазифа мажбуриятларини тақсимлаш ва ходимлар иш мажбуриятлари бўйича қўлланмаларни тасдиқлаш;
- Компания акциядорлари Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш;
- Компания қундалик фаолиятини амалга ошириш ва акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

#### 12.10. Бошқарув Раиси қуидагиларга мажбур:

- Компаниянинг йиллик бизнес-режалари, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;
- Компанияни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилияtlаридан самарали равишда фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;
- Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилиниши ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- Компания ва унинг ходимлари томонидан Компания фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг тегишли ҳолати ва ҳаққонийлиги ташкил қилинишини таъминлаш;
- **бир йилда бир марта** акциядорлар Умумий йиғилишида йиллик ҳисбот тақдим этиш;
- **ҳар чоракда** Кузатув кенгаши олдида Компаниянинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши ҳолати тўғрисида ҳисбот бериш;

- тегишли органлар, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларида Компаниянинг ҳар йилги молиявий ва бошқа ҳисботи, фаолияти тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши ва чоп этилишини назорат қилиш;

- акциядорларга қонунчилик билан бериладиган хукуқларни ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- маъмурий харажатлар ҳисоби ва бошқалар билан тасдиқланган маблағлар доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;

- шартномалар бўйича мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш;

- қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

12.11. Компания Бошқаруви аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Компания олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Конуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

Компания ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Компанияга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Компаниянинг Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд Компаниянинг Бошқаруви аъзосини Компанияга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, Бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, **бир йилдан** кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Компаниянинг Бошқаруви аъзоси Компанияга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Компаниянинг Бошқарув томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги учун субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар тақдим этилмагандан ёки ўз вақтида тақдим этилмагандан Бошқарув Раиси рағбатлантиришга йўл қўйилмайди.

Компания Бошқарув аъзолари (шу жумладан Бошқарув Раиси) жавобгарлигини сугурталаш шарт.

### 13. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

13.1. Компаниянинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

13.2. Ички аудит хизмати Компаниянинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

### 14. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

14.1. **Аудиторлик ташкилоти** - аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсdir.

14.2. Компания **ҳар йили** йиллик молиявий ҳисботини текшириш ва тасдиқлаш учун Компания ёки унинг акциядорлари билан мулкий манфаатдорликда бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб қилиши шарт.

Аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

14.3. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

14.4. Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади.

## 15. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

15.1. Компания қонун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

15.2. Компанияда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга **хар йилги** ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Компаниянинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Компания Бошқаруви зиммасида бўлади.

15.3. Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг Умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисобварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Компания ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

15.4. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисоботларини Молия-бухгалтерия ҳисоби ҳамда Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бошқармалари тайёрлайди.

15.5. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ва чораклик ҳисоботлари қонунчилик талабларига кўра тузилади.

15.6. Компаниянинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан **ўн кундан** кечиктирмай Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.7. Компания Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида **икки хафта** олдин эълон қилиши шарт.

## 16. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

### 16.1. Компания:

- Компаниянинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Компанияни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- Компаниянинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи хужжатларни;

- акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Компаниянинг бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган хужжатларни;

- Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

- Компаниянинг йиллик ҳисоботини;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

- акциялар эмиссияси рисоласини;

- бухгалтерия ҳисобига доир хужжатларни;

- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

- Компания акциядорлари Умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгаши ва Бошқарув мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Компания Бошқарув Раисининг буйруқларини;

- Компаниянинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

- Компания акциядорларининг реестрларини;

- Аудиторлик ташкилотининг хуносалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

- Компания қонун хужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа хужжатларни ҳам ўрнатилган тартибда сақлаши шарт.

## 17. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

17.1. Компанияни қайта ташкил этиш акциядорларни кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қонун хужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

17.2. Компания Умумий йиғилиш қарорига ёки суднинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

Компанияни тугатилиши қонун хужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

## 18. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

18.2. Мазкур Уставда ўз аксини топмаган масалалар Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлари билан тартибга солинади.

18.3. Агар қонунчиликда мазкур Уставда назарда тутилганлардан бошқача тартиб белгиланган ҳолатлар бўлса, у ҳолда қонунчилик қоидалари қўлланилади.

“O’ZDONMAHSULOT” АК  
Бошқаруви Раиси



Ш.Узаков